
Туман Кенгашининг сессияси

Туман Кенгашининг сессиясида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалалар кўриб чиқилди. Сессияни Кенгаш раиси ўринбосари С.Темиров очди ва олиб борди.

Ёшлар сиёсати республикада олиб борилаётган ислохотларнинг бош мазмунини ташкил этади. Ўтиб бораётган йилнинг беъжизга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинмади. Ёшлар сиёсати ҳар доим кун тартибидан тушган эмас. Туман Кенгаши сессиясида туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари О.Алиматовнинг йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан берган ҳисоботида ана шу масалаларга кенг эътибор қаратилди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий-таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича 3-сектор худудида амалга оширилган ишлар юзасидан сектор раҳбари, туман ички ишлар бўлими бошлиғи А.Асқаров ҳисоботи эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мулоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар қўллаш тўғрисидаги қўшма ҳатига асосан 2022 йилда 1.07 бараварга индексация қилиниши режалаштирилган ва фарғона вилояти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича юридик шахсларга 1 га учун 29 млн сўм ва жисмон й шахсларга 1 кв.м учун 260 сўм базавий солиқ ставкаси белгиланиши кўзда тутилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6.24 моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман кенгаши томонидан тасдиқланниши керак. Бу ҳақда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Аъзамжон Туронов ҳисобот берди ва депутатлардан тасдиқлашларини сўради.

Депутатлар томонидан мазкур масала бир овоздан тасдиқланди.

Шунингдек, сессияда тумандаги айрим маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда кўчалар номларини ўзгартириш тўғрисида туман ҳокими маслаҳатчиси Н.Акбарованинг ахбороти ҳам эшитилди. Сессияда бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Депутатлар томонидан кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

2021-12-29 18:11:37